



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки

Ўзбекистонда нон нархи ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили (2026 йил апрель)

ҚИСҚА ХУЛОСА

Сўнги йилларда Ўзбекистонда буғдой, буғдой уни ва нон маҳсулотлари нархларининг шаклланиши динамикаси, унга таъсир кўрсатаётган ички ва ташқи омиллар, импортга боғлиқлик ҳамда тузилмавий муаммолар борасидаги ўрганишлар қуйидаги халосаларни тақдим этди. Хусусан,

1. Нарх динамикаси. 2020-2026 йилнинг март ойига қадар биринчи навли ундан тайёрланган нон нархи 79,4 фоизга, олий навли нон нархи эса 55,9 фоизга ошган. Ушбу ўсишнинг асосий қисми 2022 йилги эркинлаштириш натижасида нархларнинг бозор шароитига мослашуви билан изоҳланади.

2026 йил 1 апрель ҳолатига Ўзбекистонда биринчи навли ун нони Қозоғистонга нисбатан 9,5 фоизга қиммат, Россияга нисбатан эса 65,5 фоизга арзон. Шу билан бирга, маҳаллий буғдой нархи жаҳон бозорларига нисбатан анча юқори шаклланган (*АҚШга нисбатан +17,8 фоиз, Россияга +78,6 фоиз, Қозоғистонга +80,6 фоиз*).

2. Ишлаб чиқариш ва импортга боғлиқлик. Ғалла экин майдонлари 8,1 фоизга қисқарган, буғдой ишлаб чиқариш ҳажми эса муайян даражада ўсган. Ички талабнинг таклиф суръатидан тезроқ ортгани сабабли импорт 42,9 фоизга, яъни 2,8 млн тоннадан 4,0 млн тоннагача ошган. Буғдой импортининг 99,5 фоизи ва ун импортининг 93,9 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келиши бир мамлакатга юқори даражадаги боғлиқликдан далолат беради.

3. Ташқи хатарлар. Яқин Шарқдаги геосиёсий кескинлик натижасида минерал ўғитлар нархлари тахминан 23 фоизга, карбамид нархи эса 35 фоизгача ошган. Ўзбекистоннинг бевосита таъсирланиши чекланган бўлса-да, Қозоғистон орқали билвосита нарх таъсири хавфи сақланиб қолмоқда.

4. Тузилмавий муаммолар. Сув ресурсларининг тақчиллиги (*Амударёдан Ўзбекистонга келадиган сув ҳажмининг 2030 йилгача 29 фоизгача қисқариши прогнози*), паст ҳосилдорлик (*4,5-5,3 т/га, ривожланган мамлакатлардаги 7-8 т/га даражасига нисбатан*), эскирган агротехника ва импортга кучли боғлиқлик узоқ муддатда ички нархларга оширувчи босимларни вужудга келтириши мумкин.

Таклифлар

1. Уруғчиликни халқаро стандартларга мослаштириш – ISTA ва ISF каби халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш орқали уруғ сифатини яхшилаш ва ҳосилдорликни 5-10 фоизга ошириш.

2. Сув тежовчи агротехнологияларни жорий этиш – Канада тажрибаси асосида “no-till” усулини пилот лойиҳалар орқали босқичма-босқич татбиқ этиш натижасида операцион харажатларни 20-30 фоизга камайтириш ва қуруқ ҳудудларда ҳосилдорликни 10-15 фоизга ошириш.

3. Деҳқончилик технологияларини татбиқ этиш – GPS, сенсорлар ва дронларга асосланган технологияларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда фермерлар малакасини ошириш орқали жорий этиш (*Германия тажрибаси ҳосилдорликни 7-8 т/га гача ошириш имконини бермоқда*).

4. Импорт манбаларини диверсификация қилиш ва стратегик захиралар тизимини кучайтириш – муқобил ташқи етказиб берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш, логистика инфратузилмасини такомиллаштириш ва ички бозорда етарли даражадаги захираларни шакллантириш орқали бир мамлакатга юқори даражадаги боғлиқликни камайтириш.

Қисқа муддатда нарх шаклланишига ташқи нархлар, импорт харажатлари ва геосиёсий хатарлар ҳал қилувчи таъсирга эга бўлса, ўрта ва узоқ муддатда сув тақчиллиги, импортга боғлиқлик, паст ҳосилдорлик ҳамда технологик ривожланишнинг паст даражадалиги каби таркибий омиллар устувор аҳамият касб этади.

Шу боис, бозорда барқарорликни таъминлаш учун қисқа муддатли нарх шокларини юмшатиш чоралари билан бир қаторда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган таркибий ислоҳотларни изчил амалга ошириш талаб этилади.

Буғдой уни ва нон нархлари ўзгариши бўйича таҳлилий МАЪЛУМОТ

I. Ички бозорда нархлар шаклланиши

Ўзбекистонда буғдой, ун ва нон маҳсулотлари нархларининг шаклланиши ички ишлаб чиқариш имкониятлари, импортга боғлиқлик, ташқи бозордаги нархлар динамикаси ҳамда давлат томонидан қўлланилган тартибга солиш механизмлари таъсирида юзага келмоқда. Айниқса, 2020-2026 йилнинг март ойига қадар мазкур бозорда кузатилган ўзгаришлар ички ва ташқи омилларнинг бир вақтда таъсир қилганини кўрсатади.

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2020-2026 йилнинг март ойига қадар йиғилган инфляция 79,2 фоизни ташкил этган бўлиб, шу даврда биринчи навли буғдой унидан тайёрланган нон нархи 79,4 фоизга, олий навли буғдой унидан тайёрланган нон нархи эса 55,9 фоизга ошган. Бироқ ушбу ўсиш бутун давр бўйича бир хил суръатда кечмаган.

Хусусан, 2022 йилгача қолипди нон нархлари давлат томонидан тартибга солиб келингани сабабли, мазкур маҳсулот нархларининг ўсиш суръати нисбатан паст бўлган. 2022 йил июнь ойида биринчи навли ун ва қолипди нон нархлари эркинлаштирилгандан сўнг, йил якунига қадар ушбу сегментда нархлар 54,8 фоизга ошган. Бу эса аввал маъмурий тарзда чеклаб турилган нархларнинг бозор шароитига мослашиши билан изоҳланади (1 ва 2-расмлар).

1-расм. 2020-2025 йилларда умумий инфляция ва буғдой уни нархлари йиллик ўзгариши, фоизда



2-расм. 2020-2025 йилларда нон маҳсулотлари нархлари йиллик ўзгариши, фоизда



Манба: Миллий статистика қўмитаси.

Шу билан бирга, 2020-2021 йилларда жаҳон бозорида буғдой ва ун нархлари қимматлашган бўлса-да, олий навли нон нархи ички бозорда нисбатан барқарор сақланган. 2022 йилда соҳанинг эркинлаштирилиши таъсирида ушбу маҳсулот нархларида ҳам сезиларли тўғриланиш кузатилиб, йиллик ўсиш 25,8 фоизни ташкил этган.

Мазкур даврда биринчи навли ва олий навли буғдой уни нархлари ҳам ошган бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи бўйича ўртача йиллик ўсиш 30,4 фоизни ташкил этган. Натижада, кузатув даври якунига келиб, биринчи навли ун нархи 6 842 сўмга, олий навли ун нархи эса 8 920 сўмга етган.

2023-2026 йилларда эса жаҳон бозорида буғдой ва ун нархларининг пасайиш тенденцияси кузатилиб, бу маҳаллий ун ва нон нархларининг нисбатан барқарор шаклланишига хизмат қилган.

II. Ташқи савдо нархлари ва халқаро таққослаш

2020 йилда 1 тонна буғдойнинг ўртача импорт нархи 198 долларни, буғдой унининг ўртача импорт нархи эса 252 долларни ташкил этган. 2020-2022 йилларда пандемиядан кейинги таъминот занжирларидаги узилишлар, транспорт харажатларининг ошиши ва геосиёсий омиллар таъсирида буғдой импорт нархи 279 долларгача, буғдой унининг импорт нархи эса 331 долларгача ошган. Шу билан бирга, Қозоғистонда экспорт чекловларининг жорий қилиниши минтақавий таклифни қисқартириб, нархларга қўшимча босимларни вужудга келтирган.

2023 йилдан бошлаб буғдой нархларида пасайиш кузатилган. Бунга глобал таклиф ҳажмларининг тикланиши таъсир кўрсатган. Бироқ буғдой уни нархлари қайта ишлаш ва энергия харажатлари сабабли нисбатан юқори даражада сақланиб қолган.

2024-2025 йилларда буғдой нархларида пасайиш давом этган бўлса-да (*буғдой нархи мос равишда 190 ва 185 доллар*), буғдой уни импорт нархи 2024 йилда 323 долларгача кўтарилиб, 2025 йилда 294 долларга тушган ҳолда юқори даражада сақланган.

Маълумот учун, жорий йилнинг март ойига қадар буғдой импорт нархи 199,9 долларга буғдой уни импорт нархи эса 309,5 долларга тенг бўлган.

Экспорт нархларида ҳам шунга ўхшаш динамика кузатилган. 2020 йилда 1 тонна буғдойнинг ўртача экспорт нархи 204 доллар, буғдой уни нархи эса 296 доллар бўлган. 2022 йилда нархлар сезиларли даражада қимматлашиб, мос равишда 323 доллар ва 346 долларга етган. Кейинги йилларда пасайиш кузатилган бўлса-да, қайта ишланган маҳсулотлар бўйича нархлар нисбатан юқори сақланиб қолган.

Маълумот учун, жорий йилнинг март ойига қадар буғдой экспорт нархи 218,3 долларга буғдой уни экспорт нархи эса 290,9 долларга тенге бўлган.

III. Нон нархларининг қўшни мамлакатлар билан таққослаш

Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2026 йил март ойида Ўзбекистонда биринчи навли ундан тайёрланадиган 1 кг ноннинг ўртача чакана нархи 6 284 сўмни ташкил этган.


Бу кўрсаткич Қозоғистонга нисбатан 9,5 фоизга юқори, Россия ва Қирғизистонга нисбатан эса мос равишда 65,5 ва 38,1 фоизга паст бўлган. Ушбу таққослаш Ўзбекистонда нон нархи минтақада ўртача даражада шаклланганини, бироқ буғдой ва ун нархлари орқали ташқи босимлар сақланиб қолаётганини кўрсатади (3-расм).

2022 йилда геосиёсий ноаниқликлар таъсирида шаклланган юқори нархлар 2023 йилда жаҳон бозорида Россия-Украина можаросининг таъсири қисман сўниши ва таклиф тикланиши ҳисобига пасая бошлаган.

Бироқ, 2024 йилдан бошлаб Ўзбекистонда нархлар жаҳон бозорларидаги пасайиш суръатларига нисбатан секинроқ шаклланган ҳамда нисбатан юқори даражада сақланиб қолган. Шу билан бирга, 2024–2025 йилларда жаҳон миқёсида буғдой нархлари Россия ва Ўзбекистонда ўсиш тенденциясини намоён этган бўлса, Қозоғистон ва АҚШда пасайиш динамикаси кузатилган.

2026 йилнинг март ойи якунига келиб мамлакатимизда буғдой нархи АҚШга нисбатан 17,8 фоизга, Россияга нисбатан 78,6 фоизга ва Қозоғистонга нисбатан 80,5 фоизга юқори шаклланган (4-расм).


3-расм. Ўзбекистон ва қўшни давлатларда биринчи навли ундан тайёрланган нон нархи динамикаси ¹, 1 кг/сўм эквивалентида




Манба: Хорижий мамлакатлар статистика сайтлари ва Миллий статистика қўмитаси маълумотлари.

¹ Россияда 2022 йилдан сўнг олий навли ундан тайёрланган нонлар билан биринчи навли ундан тайёрланган нонлар категориялари бирлаштирилиб, бир хил нархларда ҳисобланиш бошланди.

4-расм. Жаҳон бозори ва Ўзбекистонда буғдой нархлари динамикаси, 1 тонна учун АҚШ доллари эквивалентида



5-расм. Жаҳон бозори ва Ўзбекистонда буғдой уни нархлари динамикаси, 1 тонна учун АҚШ доллари эквивалентида



Манба: Хорижий мамлакатлар статистика агентлиги ва Миллий статистика қўмитаси ва www.usda.gov ва www.zerno.ru ва www.worldbank.org сайти маълумотлари.

Шу билан бирга, 2022 йилдан бошлаб қўшни давлатларда буғдой уни нархларида ўсувчи тренд сақланган бир пайтда, АҚШда аксинча пасайиш тенденцияси кузатилган. Ўзбекистонда эса 2023-2024 йилларда нархлар нисбатан барқарорлашган, 2025 йилда АҚШдан бошқа барча малакатларда ўсиш қайд этилди. 2026 йилнинг март ойи якунига келиб эса бироз ошган ҳолда халқаро бозорларга нисбатан юқори даражада сақланиб қолган (5-расм).

IV. Истеъмол талаби

Нон маҳсулотлари бозорида талаб динамикасини баҳолашда аҳоли даромадлари муҳим омил ҳисобланади. Энгель қонунига кўра, даромадлар ошиши билан нон каби асосий озиқ-овқат маҳсулотларига йўналтириладиган харажатлар улуши камаяди.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, паст даромадли мамлакатларда аҳоли жон бошига нон истеъмоли 80-100 кг, ўрта даромадли мамлакатларда 40-50 кг, юқори даромадли мамлакатларда эса 20-30 кг атрофида шаклланади.

Эконометрик баҳолашларга кўра, аҳоли реал даромадларининг 10 фоизга ошиши нон истеъмоли ҳажмининг тахминан 1-3 фоизга қисқаришига олиб келади. Бу нон маҳсулотларининг аҳоли фаровонлиги ошган сари истеъмол саватидаги нисбий аҳамияти пасайишини англатади. Шу билан бирга, нон аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун стратегик аҳамиятга эга маҳсулот бўлиб қолмоқда. Шу боис, унинг нархи ижтимоий жиҳатдан юқори сезувчанликка эга ҳисобланади.

2020-2025 йилларда Ўзбекистонда аҳоли ўртача даромадлари 56,5 фоизга ошган, ўртача йиллик ўсиш суръати эса 7,8 фоизни ташкил этган. Даромадлар ўсиши фонида истеъмол таркибида ҳам ўзгариш кузатилиб, аҳоли нисбатан қимматроқ ва оқсилга бой маҳсулотларга, жумладан, гўшт, сут маҳсулотлари ва мевалар истеъмолига кўпроқ ўта бошлаган.

Шу билан бирга, сўнгги олти йил давомида республикада буғдой истеъмоли 17,9 фоизга ошган бўлса, буғдой уни истеъмоли 10,3 фоизга камайган. Мазкур ҳолат асосан аҳоли томонидан тайёр нон маҳсулотлари истеъмолининг ортиши, шунингдек, буғдойни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар улушининг кенгайиши билан изоҳланади. 2025 йилда мазкур кўрсаткичлар мос равишда 10,5 млн тонна ва 2,6 млн тоннани ташкил этган. Жорий йилда буғдой уни истеъмолининг 2,8 млн тонна атрофида бўлиши кутилмоқда. Бу ҳолат аҳоли талабида тайёр маҳсулотлар ва қайта ишланган озиқ-овқат турларига бўлган эҳтиёж ортиб бораётганидан далолат беради.

V. Ишлаб чиқариш, импорт ва экспорт динамикаси

Ички таклиф томонидан қаралганда, 2020-2024 йилларда республика бўйича ғалла экин майдонлари қисқариш тенденциясида шаклланган. Хусусан, 2020 йилда 1,36 млн гектарни ташкил этган майдонлар 2023 йилга келиб 1,25 млн гектаргача, яъни 8,1 фоизга қисқарган. 2024 йилда майдонлар 1,26 млн гектарни ташкил этиб, маълум даражада барқарорлашув кузатилган бўлса-да, умумий тренд пасайиш йўналишида сақланиб қолган.

Шу билан бир вақтда, буғдой етиштириш ҳажмида муайян ўсиш кузатилган. 2020 йилда 6 157 минг тоннани ташкил этган ишлаб чиқариш ҳажми 2024 йилга келиб 6 729 минг тоннага етган. Бу маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми ошганини кўрсатса-да, ички талаб ва қайта ишлаш эҳтиёжи бу ўсишдан тезроқ суръатларда шаклланган.

Буғдой унининг ишлаб чиқариш ҳажмида эса 2023 йилда 14 фоизлик пасайиш кузатилган, 2024-2025 йилларда эса тикланиш ва мўътадил ўсиш қайд этилган. Бироқ ушбу ўсиш ички бозор эҳтиёжларини тўлиқ қоплаш учун етарли бўлмаган.

Маълумот учун, жорий йилнинг март ойига қадар буғдой экспорт ҳажми 19,9 минг тоннани, буғдой уни экспорт ҳажми 363,9 минг тоннани ташкил этган (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан мос равишда 50 ва 4 фоизга ўсган).

Маҳаллий ишлаб чиқариш билан бир қаторда импортнинг юқори улуши сақланиб қолмоқда. 2020-2025 йилларда маҳаллий буғдой ишлаб чиқариш ҳажми 13 фоизга ошган бўлса, импорт ҳажми 42,9 фоизга, яъни 2,8 млн тоннадан 4 млн тоннагача кўпайган.

Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, 2022 йилда 2,8 млн тонна буғдой импорт қилинган бўлиб, унинг 99,2 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келган. 2023 йилда импорт 21,4 фоизга ўсиб 3,4 млн тоннага етган, 2024 йилда эса 8,8 фоизга камайиб 3,1 млн тоннани ташкил этган. 2025 йил якунига келиб буғдой импорти яна ўсиб, 3,9 млн тоннага етган ва унинг 99,8 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келган.

Буғдой уни импорти ҳам юқори даражада сақланган. 2022 йилда 427,6 минг тонна ун импорт қилинган бўлса, 2023 йилда ушбу кўрсаткич 513,8 минг тоннага етган. 2024 йилда импорт 470,9 минг тонна, 2025 йилда эса 422,6 минг тоннани ташкил этган.

Ун импорти таркибида ҳам асосий улуш Қозоғистон ҳиссасига тўғри келган. 2022-2025 йилларда буғдой импортнинг 99,5 фоизи, буғдой уни импортнинг эса 93,9 фоизи айнан Қозоғистон ҳиссасига тўғри келгани мамлакат таъминотининг деярли бир мамлакатга боғланганини кўрсатади.

Маълумот учун, жорий йилнинг март ойига қадар буғдой импорт ҳажми 1,5 млн тоннани, буғдой уни импорт ҳажми 97,1 минг тоннани ташкил этган (буғдой импорти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 59,9 фоизга ўсган, буғдой уни импорти ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 15,3 фоизга пасайган).

Ички бозордаги истеъмол талабининг маҳаллий ишлаб чиқариш суръатларидан тезроқ ўсиши бир нечта омиллар билан изоҳланади. Хусусан, аҳоли сонининг ўртача йиллик 2 фоиз атрофида ўсиши дон ва ун маҳсулотларига бўлган умумий талабни кенгайтirmoқда. Шунингдек, чорвачилик ва паррандачилик соҳасида ем-хашакка бўлган талаб ортиб бораётгани дон маҳсулотларига қўшимча босим яратмоқда.

Бундан ташқари, маҳаллий буғдой асосан юмшоқ навлардан иборат бўлгани сабабли, юқори сифатли ун ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда импорт буғдойига эҳтиёж сақланиб қолмоқда. Яна бир муҳим омиллардан, импорт қилинган доннинг бир қисми ички қайта ишлашдан сўнг қўшни давлатларга экспорт қилинмоқда.

Экспорт таркибида ҳам муҳим тенденция кузатилмоқда. 2020-2025 йилларда буғдой экспорти нисбатан кичик ҳажмларда шаклланган бўлиб, 2025 йилда 37,9 минг тоннани ташкил этган. Ушбу экспорт асосан Афғонистон бозорига йўналтирилган. Буғдой уни экспорти эса анча юқори суръатларда ўсиб, 2025 йилга келиб 1,6 млн тоннага етган.

Бу ҳолат экспорт таркибида хом ашёга нисбатан қайта ишланган, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар улуши ортиб бораётганини кўрсатади.

VI. Асосий муаммо ва чекловлар

Ўзбекистонда буғдой, ун ва нон бозорида нархлар барқарорлигига таъсир кўрсатувчи муаммо ва чекловларни тузилмавий (ресурс ва ишлаб чиқариш имкониятлари) ҳамда ташқи (геосиёсий ва савдо боғлиқлиги) омилларга ажратиш мумкин.

Тузилмавий муаммолар

Сув тақчиллиги. Буғдой бозоридаги асосий тизимли муаммолардан бири сув ресурслари танқислигидир. Қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш учун ҳар гектар майдонга 3-5 минг куб метр сув сарфланади. Шунингдек, аҳоли сонининг ўсиши билан маиший эҳтиёжлар учун сув талаби тахминан 30 фоизга, яъни 2,3 млрд куб метрдан 3,0 млрд куб метргача ошиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, иқлим ўзгариши ва Афғонистонда Қўштепа канали ишга туширилиши натижасида Амударёдан Ўзбекистонга келадиган сув ҳажми 2028 йилгача 19 фоизга, 2030 йилгача эса 29 фоизгача қисқариши прогноз қилинмоқда.

Юқоридаги омиллар буғдой етиштириш ҳажмига узоқ муддатли салбий таъсир кўрсатиши ва ички нархларга оширувчи босимларни вужудга келтириши мумкин.

Паст ҳосилдорлик. Хусусан, Ўзбекистонда буғдойнинг ўртача ҳосилдорлиги 2020-2024 йилларда 4,5-5,3 т/га атрофида бўлиб, ривожланган мамлакатлардаги 7-8 т/га даражасидан анча паст. Бу кўрсаткич мамлакатнинг ўз-ўзини таъминлаши учун зарур бўлган 6,2 т/га даражасидан ҳам паст ҳисобланади.

Уруғчилик тизимидаги чекловлар. Юқори ҳосилли навларнинг етарли жорий этилмаслиги ва маҳаллий уруғ сифатининг халқаро стандартлардан паст бўлиши соҳанинг узоқ муддатли самарадорлигини чеклайди.

Технологик етишмовчилик. Томчилатиб суғориш, аниқ деҳқончилик ва рақамли мониторинг тизимлари фермер хўжалиқларининг аксарият қисмида етарлича жорий этилмаган. Қишлоқ хўжалиги техникасининг эскиргани ишлаб чиқариш таннархини оширмоқда.

Ташқи хатарлар

Импортга юқори боғлиқлик. Мамлакатда буғдой истеъмолининг салмоқли қисми импорт ҳисобига қопланади. Буғдой импортининг 99,5 фоизи ва ун импортининг 93,9 фоизи Қозоғистон ҳиссасига тўғри келади.

Қозоғистонда экспорт чекловлари, ҳосил тушиши ёки логистика узилишлари юзага келган тақдирда ички нархларга тезкор таъсир кўрсатиши мумкин.

Яқин Шарқдаги геосиёсий кескинлик. Минтақадаги ҳарбий кескинлик оқибатида минерал ўғитлар нархлари тахминан 23 фоизга ошган. Ҳормуз бўғози орқали жаҳон нефть ва газ таъминотининг қарийб 20 фоизи ташилиши сабабли, минтақавий узилишлар ўғит ва энергия нархлари орқали дон ва озиқ-овқат бозорларига билвосита босим ўтказмоқда.

Эрон, Қатар, Саудия Арабистони ва Уммон карбамид ва аммиак экспорт қилувчи етакчи давлатлар қаторига киради. FAO маълумотларига кўра, азотли ўғитлар бўйича нефть бозоридаги каби мувофиқлаштирилган стратегик захиралар мавжуд эмас, шунинг учун таъминотдаги узилишларни юмшатиш нисбатан мураккаб ҳисобланади.

Қатарда газ объектларига қилинган ҳужумлардан сўнг газ ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва йирик карбамид заводларида фаолиятнинг қисқариши кузатилган. Ҳиндистонда газ таъминоти қисқариши оқибатида бир қатор карбамид заводлари ишлаб чиқаришни камайтирган, Бангладешда эса ўғит заводларининг аксар қисми фаолиятини тўхтатган.

Март ойида глобал карбамид экспорти Хитой иштирокисиз 3,5 млн тонна ўрнига 1,5 млн тоннагача қисқариши кутилмоқда. Яқин Шарқда карбамид экспорт нархлари можаро бошланганидан кейин қарийб 35 фоизга ошиб, 500 доллардан 673 долларгача етган. Таҳлилчилар фикрига кўра, агар можаро узоқ давом этса, азотли ўғитлар, хусусан, карбамид нархи яна кескин ошиши мумкин (6-расм).

6-расм. Карбамид ва Brent маркали нефть нархлари динамикаси, 1 АҚШ доллари/тонна эквивалентида



Манба: www.worldbank.org сайти маълумотлари.

Ўзбекистонда йилига 3 млн тоннадан ортиқ минерал ўғит ишлаб чиқарилгани сабабли бевосита таъсир нисбатан чекланган. Бироқ Қозоғистон ишлаб чиқариш занжири орқали нарх таъсири Ўзбекистон ички бозорига билвосита етиб келиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, глобал ўғит ва энергия нархларининг бир неча ой давомида юқори даражада сақланиши 2026 йилда нафақат ун маҳсулотлари, балки барча дала экинлари бўйича ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши орқали ички нархларга қўшимча босим кўрсатиши эҳтимоллари юқори қолмоқда.

VII. Таклифлар

Бугдой, ун ва нон бозорида барқарорликни таъминлаш ва юқорида кўрсатилган хатарларни юмшатиш мақсадида қуйидаги йўналишларда чора-тадбирларни изчил амалга ошириш тавсия этилади.

1. Уруғчилик тизимини халқаро стандартларга мослаштириш. ISTA ва ISF каби халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, юқори ҳосилли навларни жорий этиш ва хусусий селекцияга инвестицияларни жалб этиш. Кутилаётган натижа — ҳосилдорликни 5-10 фоизга ошириш ва экспортдаги техник тўсиқларни камайтириш.

2. Сув тежовчи агротехнологияларни жорий этиш. Канада тажрибаси асосида “no-till” усулини пилот лойиҳалар орқали босқичма-босқич татбиқ этиш ва томчилатиб суғориш тизимини кенгайтириш. Кутилаётган натижа — операция харажатларни 20-30 фоизга камайтириш, қуруқ ҳудудларда ҳосилдорликни 10-15 фоизга ошириш.

3. Аниқ деҳқончилик технологияларини татбиқ этиш. GPS, сенсорлар ва дронларга асосланган технологияларни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши асосида жорий этиш; фермерлар малакасини мақсадли ошириш ва замонавий техника билан таъминлашни кенгайтириш.

Кутилаётган натижа — ресурс сарфини 15-25 фоизга камайтириш ва ҳосилдорликни 7-8 т/га даражасигача ошириш.

4. Импорт манбаларини диверсификация қилиш. Қозоғистондан ташқари муқобил ташқи етказиб берувчилар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва логистика инфратузилмасини такомиллаштириш.

Кутилаётган натижа — битта мамлакатга юқори даражадаги боғлиқликни камайтириш, ташқи нарх шокларига қаршилиқ қилиш қобилиятини кучайтириш.

5. Стратегик захиралар тизимини кучайтириш. Ички бозорда буғдой ва ун бўйича етарли даражадаги захираларни шакллантириш, захираларни бошқариш бўйича аниқ регламент ишлаб чиқиш. Кутилаётган натижа — қисқа муддатли нарх шокларини юмшатиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлаш.

Қисқа муддатда нарх шаклланишига ташқи нархлар, импорт харажатлари ва геосиёсий хатарлар ҳал қилувчи таъсир кўрсатса, ўрта ва узоқ муддатда сув тақчиллиги, импортга боғлиқлик, паст ҳосилдорлик ҳамда технологик етарли эмаслик каби таркибий омиллар устувор аҳамият касб этади.

Шу боис, бозорда барқарорликни таъминлаш учун қисқа муддатли нарх шокларини юмшатиш чоралари билан бир қаторда, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган таркибий ислохотларни изчил амалга ошириш талаб этилади.